



ХАВАР

خبر

Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги нашри

1992 йил мартдан чиқа бошлаган • 1997 йил, 11 апрель № 15 (243)

Сотувда нархи эркин

Алоқа вазирлигида тармоқ алоқа корхоналари ва ташкилотлари раҳбарлари иштирокида кенаш бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазири А. Ҳ. Жўрабоев корхона раҳбарлари навбатдаги вазифаларни тезда амалга оширишга алоҳида эътибор беришлари лозимлигини айтди.

Эндиликда тармоқни бошқаришнинг янгича тизimini тезроқ ишлаб чиқиш даркор. Жумладан, электралоқа корхоналарини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш ишларини янада дадиллик билан олиб бориш, хорижий ҳамкорлар билан қўшма корхоналар ҳамда ҳиссадорлик жамиятлари тузишнинг давом эттириш керак бўлади. Яқин орадаги вазифаларнинг марказида «Ўзбектелеком» концерни ва давлат электралоқа корхоналари негизида ҳолдинг компанияси тузиш масаласи турибди. Катта миқдордаги дебитор қарзларни ундириш борасидаги ишларни янада кучайтириш керак. Пул маблағлари доимо ҳаракатда бўлиши лозим. Ушбу йили давлат бюджетига пул утказишнинг пайсалга солиш ҳамда солиқ тулашдаги камчиликлар ушбу катта миқдорда жарима тулашга турти келди. Шу боис ҳам бу йил мазкур ҳатоларни такрорлашга йул қўймаслик учун кор-

хона раҳбарлари давлат бюджетига пул маблағлари утказишнинг ва дебитор қарзларни ундиришнинг шахсан назорат қилишлари зарур.

Алоқа вазири лицензиялашти-

катлаштириш борасидаги ишлар ҳам талабга жавоб бермайди. Алоқа вазирлиги ва концернларда метрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш муҳим урин тутди. Аммо бу борадаги ишлар ҳам талаб даражасида эмас. Мана шунини ҳисобга олган ҳолда энг зарур ҳужжатларни биринчи навбатда ишлаб чиқиш, амалиётда қўллаш учун тақдим этиш зарур.

Почта тизимининг техника воситалари билан тулик таъминлаш, алоқа бўлими биноларини таъмирлаш, мижозларга намунали хизмат кўрсатиш учун

почтачиларга зарур иш шaroитини яратишга алоҳида эътибор бермоқ жоиздир.

Кенгашда Алоқа вазирининг ўринбосарлари — В. Л. Штейнберг, М. М. Махмудов, республика алоқа ҳодимлари қасаба уюшмаси Марказий Кумитасининг раиси Т. Н. Назаржонов, «Ўзбектелеком» концерни раиси Т. М. Бикметов, Тошкент шаҳар телефон алоқаси ва радиоланштириш ишлаб чиқариш бирлашмасининг бошлиғи Ш. А. Одилов ва бошқалар сузга чиқишиб, уларнинг аниқ тақдирини билдиришди.

А. КУДИНОВ

ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

риш борасида барча имкониятлардан стардича фойдаланилмаётганини тугрисида уз фикрларини билдирди. Ҳозиргача алоқа хизмати кўрсатиш бўйича 100 га яқин корхона лицензия олди, аммо ҳалигача ушбу лицензиялардан қай тариха фойдаланаётганини устидан назорат йук. Шу сабабли ҳам бу иш билан янада фаолроқ шуғулланиш лозим.

Электрмагнит мослашув маркази радиоузайтиргичлардан фойдаланишнинг тартибга солиш ишларини кучайтириши керак. Чунки радиоузайтиргичлардан фойдаланиш купайишга кўпайиш, аммо уни рўйхатдан утказиш учун айрим мижозларгина мурожаат қилишмоқда. Сертифи-

сарсонгарчилик билан бориб келишга мажбур қиларди.

Тумандаги 137-хўжаликлараро курилиш ташкилотининг Бозорбой Кўлдошев бошлиқ қўлигул курувчилари Мажнунтоқ қишлоғида барча кулайликларга эга бўлган почта алоқа бўлимининг биносини куриб, фойдаланишга топширдилар. Янги бинонинг очилиш

маросимида Бувайда тумани ҳокими О. Назаров, Фарғона вилояти давлат почта алоқа корхонаси бошлигининг ўринбосари Яҳёхон Мадмунов ҳамда қўшни Бөгдоғ, Учқўприк тумани почта алоқа боғламаларидан меҳмонлар қатнашди.

Қ. ТУРСУНОВ,
жамоатчи муҳбир,
Фарғона вилояти

ҚАРДОШЛАР ТАЖРИБА АЛМАШДИЛАР

Бундан икки ой муқаддам Тошкент шаҳрида ўтказилган Марказий Осиё республикалари Алоқа вазирилари учрашувида ушбу мамлакатларнинг почта маъмуриятлари раҳбарлари иштирокида йўналиш ўтказиш тўғрисида таклиф билдирилган эди. Ана шу учрашувда сўнги йилларда Марказий Осиё республикаларининг почта тизимида тўпланиб қолган муаммоларни ўзаро ўрнатиш, ҳал қилишга ҳам келишилган эди.

Яқинда Тошкент шаҳрида Марказий Осиё республикалари почта маъмуриятлари раҳбарларининг учрашуви бўлиб ўтди. Унда почта хизмати бошлиқлари — Қозоғистон Республикасида А. К. Жазықбоев, Қирғизистондан А. Д. Дооранов, Тожикистондан Ш. К. Комиялов бошчилигидаги делегация иштирок этди. Ўзбекистондаги почта ҳодимлари делегациясига «Ўзбекистон почтаси» концерни раиси Р. Э. Зикиров раҳбарлик қилди.

Учрашувни Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазири А. Ҳ. Жўрабоев очиб, бу амалий учрашувдан жуда катта ижобий натижалар кутилаётганини, Марказий Осиё республикалари аҳолиси ва халқ ҳужалигига намунали почта хизмати кўрсатиш йулида мазкур минтақада тушланиб қолган муаммолар ечимини ўзаро ҳамжиҳатликда топшиш зарурлиги тугрисида гапирди. Шунингдек, Алоқа вазири республикамизда почта тизимини алоқа техникаси воситалари билан таъминлаш жараёни келтирилгани, жумладан тармоқ учун ҳозиргача «Дамас», «Нексия», «Тико» русумидаги автомобиллардан 250 та олинганлигини, бу шубҳасиз почта

алоқаси ривожига ижобий таъсир кўрсатишини айтди. Жорий йилнинг биринчи ярим йиллик якунига қадар почта соҳасида 400 та янги автотранспорт бўлади ва улар тулик почта жўнатмаларини етказишда асқотади.

Почта маъмуриятлари раҳбарларининг амалий учрашувида бозор иқтисодиёти шароитида тушланган иш тажрибалари ҳақида ҳам гап борди. Бу масалада барча делегация раҳбарларининг ахборотлари тингланди, почтачилар ўзаро тажриба алманишди. Шунингдек, Марказий Осиё республикаларининг темир йул ва ҳаво транспортларидан унуми фойдаланиш, бу транспортлар орқали почта жўнатмаларини тезроқ манзилга етказиш билан боғлиқ бўлган масалалар ҳам куриб чиқилди. Мана шу масалалар юзасидан имзоланган қарорда билдирилган аниқ тақдир ва тавсиялар ушунинг республикаларида почта хизмати кўрсатиш сифатини ошириш имконини беради.

Марказий Осиё республикалари почта хизмати раҳбарлари Тошкент шаҳридаги почта корхоналарининг иш тажрибалари билан танишишди. Улар Самарқанд шаҳрида ҳам бўлишди.

ЯНГИ АЛОҚА БЎЛИМИ ИШГА ТУШДИ

Бувайда туманининг Қоратепа, Шўртепа, Таррачи, Оқтом, Янгиқилшоқ ва Ёнғоқли каби ўнга яқин қишлоқларининг меҳнатқашлари туман марказидаги алоқа бўлими хизматидан фойдаланиб келишар эди. Бу ҳол одамларнинг қимматли вақтларини олиб, ҳар гал туман марказига талай оворая

ОЛАМДА НИМА ГАП?

• Янгиликлар • Воқеалар • Хабарлар

• Олий Мажлис тақлифига биноан Германия Бундестаги вице-президенти Б. Хирш бошчилигидаги шу мамлакат парламент делегацияси Ўзбекистонда меҳмон бўлиб турибди.

• Тошкентда «Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили ҳақида»ги Қонуини амалга ошириш республика комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда тегишли вазирлик ва идоралар, жамоат ҳамда ижодий ташкилотларнинг раҳбарлари, Қоракандлик Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, виллоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ўринбосарлари иштирок этди.

• Ўзбекистон Республикаси Марказий банкда пул-кредит сисетаси бўйича республика комиссиясининг навбатдаги кен-

гайтирилган мажлиси будди. Мажлисини республика пул-кредит сисетаси комиссияси раиси, Ўзбекистон Республикаси Марказий банк бошқаруви раиси Ф. Муллажонов бошқарди.

• Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият курилиш академиясида журналистларни қайта тайёрлаш халқаро ижтимоий марказининг таъсис йилгини ўтказилди. Ўзбекистон академияси, Қонрал Аденгауз номидаги жамғарма, республикамиз ва хорижий мамлакатларнинг бир қанча иж-

тимоий-сиёсий ҳамда ҳукуматга қаршилик бўлмаган ташкилотлари марказининг муассислари бўлишди.

• Душанбеда Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Ўзбекистон ва Россия ташқи ишлар маҳкамаларининг раҳбарлари учрашувида минтақавий хавфсизлик масалалари муҳокама этилди. Бу учрашувда шунингдек, Тожикистон раҳбарлигининг Бирлашган тожик муҳолифатчилари етакчилари билан Москвада миллий ярашиш якунловчи ҳужжатини имзолаш билан боғлиқ масалалар ҳам куриб чиқилди.

• Римда халқаро ҳамжамиятнинг Албанияга киритилган тирилликни сақлаш куллари сиёсий раҳбариятининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди. Унга қўшмаллатли тирилликни сақлаш куллари Албанияга 14 апрелда бу мамлакатта инсонпарварлик оқлари олиб кирилган кун билан бир вақтда киритиш мақсадага мувофиқ деб тоъланди.

• АКШ Президенти Билл Клинтон 13-11 апрель кунлари мамлакатда жамият манфаатлари учун хизмат қилиш ҳафталиги ў-

казилишини эълон қилди. Бу ҳафталик давомида миллионлаб америкаликлар уз шаҳарларини обод қилди, тартибга келтириш ва тозалаш билан ийтирий равишда машғул бўладилар.

• Гонконг мутахассслари маълумотларига кўра ҳозир давлат ийтиерида бўлган валюта захираси бўйича Япония жаҳонда биринчи ўринни эгаллаб турган экан. Унинг валюта захираси 210 миллиард АКШ долларини ташкил этаркан. Германиянинг валюта захираси 89, Хитойники 87, АКШники 86, Тайванники 85, Сингапуриники 72, Гонконгники 60 миллиард доллардан иборат экан. Курилик турилики, валюта захираси бўйича дунёда энг бой 7 мамлакатнинг 5 таси Осиё қитъаси давлатларидир.

АЛДАНИБ ҚОЛАВЕРАМАНМИ?

Ассалому алайкум, «Хабар» газетаси тахририяти ходимлари!

Мен, Нўмжонжон Камолов, Бешариқ тумани почта алоқа боғламасида 13 йил ишладим. 1995 йил январда ҳамма жойда булгани каби бизда ҳам иш уринлари қисқарди, мен ишлаётган «Ворух» алоқа бўлими епилиди. Қисқариш комиссиясига тақдиритиришиб, узингизни қисқаришга қўйдик, уч ойлик муддат утмай «Қашқар» алоқа бўлимининг почтачиси урнига ишга оламыз деб айтишди. Туман почта алоқа боғламаси бошлиғи мени «Қашқар» алоқа бўлимига ишга оломаслигини, қисқарган уринга 10 ойдан кейин ишга олиш мумкинлигини айтиди. Бошлиқ билан яна учрашганимда, вақтинча газета дукониди ишлашни таклиф қилди. Меҳнат стажим узилмасин дея дуконда ишлашга рози бўлдим.

Мен ишлаётган дуконда иш ҳақи бир ойлик савлонинг 5 фоизи миқдорда берилар экан. Бир ойда 1000-1500 сум савло булар, олган маошим автобус кирасига ҳам етмасди. Алоқа боғламаси бошлиғидан яна почта бўлимига бирга ишга олишни сурардим. Бошлиқ иш урни булиб қолса оламыз деган жавобни айтди. Бу орада энди янги иш уриним қисқаришга тушадиган бўлиб қолди. Иш стажим узилмасин дея газета дукониди яхши ниятлар билан иш бошлаганимда яна қисқаришга тушишим мени ажаблантирди. Аввалги иш жойимда ҳам 5-8 йиллик иш стажига эга алоқа бўлими бошлиқлари, почтачилар була туриб, ун уч йил стажимга қарамастан, қисқаришга яна менинг номоҳидим қўйилиши алам қилди. «Ишонч» газетасида қисқариш вақтида иш стаж ва фарзандлар сони ҳисобта олинади деб ўқи-

ган эдим. Утган муддат ичида «Ворух» алоқа бўлими худудиди яшовчи нафақачилар, фуқаролар туман почта алоқа боғламасига ва вилоят почта корхонасига икки маротабадан талабнома билан чиқишди. Улар алоқа бўлимини етмасликни, бўлимини қайтадан очиб беришни, мени ишга қайтаришни сурашган экан. Бунга жавобан вилоятдан келган хатда алоқа бўлимини қайта очиб учун иш ҳажми кам дейилган эди. Аммо хатда мени ишга олиш еки олмаклик ҳақида бирогиз ҳам гап йук. Бу орада нафақачи ва фуқаролар вилоятдан келган хатга талабномани ҳам қўшиб, «Хабар» газетасига жунатдик дейишди. Яна уша кулончак нафақачилар туман прокуратурасига эзилибди. Прокуратурадагилар текшириб курамыз дейишди. Улар туман почта алоқа боғламаси бошлиғидан мени ҳақиқатдан қонуний ишдан қисқарганим дея сураб-суриштирган. Боғламдагилар мени қонуний қисқаришга тушган, мутахассислиги буйича ўқимаган дея фикр билдиришган.

Тугри, соҳа буйича ўқиганим йук, фақат маллака ошириш курсида 1989 йили 2 ой ўқиганман, холос. Лекин мен узимча алоқа бўлимига бошлиқ булиб олганим йук эди-ку!

Хуш, мен алоқа бўлими бошлиғига нолойиқ эканман, 13 йиллик иш стажим инобатга олинмайдими?

Мулоим сузга ишониб, алданиб, ҳам ишдан, ҳам стаждан айрилиб қолавераманми?

Сизлардан ёрдам сураб қолувчи

Нўмжонжон КАМОЛОВ,
Фарғона вилояти,
Бешариқ тумани,
Рапқон қишлоғи,
Юқори маҳалла, 27-уй

ТАХРИРИЯТДАН: «Хабар» газетаси ушбу шикоят-хат юзасидан Фарғона вилояти давлат почта алоқа корхонаси ва Бешариқ тумани почта алоқа боғламаси мутасаддиларининг ҳолисона жавобини кутди.

ИШЧИ ГУРУҲИ ЙИҒИЛИШИ

Утган йили Алоқа вазирлиги таркибиди корхоналарда Давлат тили ҳақидаги қонуннинг бажарилишини назорат қилиш буйича ишчи гуруҳи тузилган эди. Яқинда ана шу ишчи гуруҳининг Давлат тили ҳақидаги қонуннинг бажарилиши ва Вазирлар Маҳкамасининг вазирликда давлат тилида иш юритиш буйича утказган текширув натижаларига бағишланган мажлиси булиб ўтди. Уни Алоқа вазири уринбосари, мазкур ишчи гуруҳининг раҳбари Ш. Обидхужаев бошқарди. Мажлисда алоқа корхоналари раҳбарлари ва вазирликнинг айрим булим бошлиқлари иштирок этишди.

«Вазирлар Маҳкамасининг Давлат тили буйича вазирликда бажарилган ишлар

ни текширув натижалари тугрисида» Алоқа вазири уринбосари Ш. Обидхужаевнинг матрузаси тингланди. Маърузачи конфернлар ва алоқа корхоналари Давлат тили ҳақидаги қонуннинг бажарилишига етарлича эътибор бермаётганлигини таъкидлаб ўтди.

Музокараларда «Ўзбектелеком» концерни раиси Т. Бикметов, «Ўзбекистон почтаси» концерни раиси Р. Зикиров, Илмий-текшириш маркази бошлиғи Р. Исаев, Вазирликнинг раҳбар ходимлар ва укув юртлири бўлими бошлиғи Р. Асқаров ва бошқалар ўз фикр-мулоҳазалари билан уртоқлашдилар.

Курилган масала юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

(Ўз мухбиримиз)

РАҲБАРЛАР ВА ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА!

1997 йил 1 апрелдан бошлаб Ўзбекистон Республикасида электралоқа корхоналарининг айрим хизмат турларига янги тарифлар жорий этилди. Ўзбекистон Республикаси худудиди электралоқа хизмати тарифлари

Хизмат турлари	Тулов миқдори (сумда)	
	корхона	аҳоли
Шошиличчюмалар: оддий бир суз учун шополиничч бир суз учун телеграф солиғи	4 8 8	2 8 8
Банкларнинг пул жуватиш шошиличчюмалари: оддий бир суз учун шополиничч бир суз учун	6 10	
Шошиличчюма тоширилганлигини телеграф орқали тасдиқлаш учун: оддий шошиличчюма тезкор шошиличчюма	60 80	60 80
Шошиличчюма матнини тасдиқлаш учун Шаҳарларча телефон алоқаси буйича	20	20
Республика худудиди телефонда сузланганлик учун: 300 км. гача 300 км. дан ортиқ	4.2 8.4	2.1 4.2
Хонадондаги ва меҳмонхонадаги телефонда кредит сузлашув ҳақидан ташқари ҳар бир сузлашув учун Халқаро телефон станциясига уланган телефонда сузлашув учун абонентлик тулови, оийта		5
	300	

1995 йил 5 апрелда белгиланган тарифлар узгартирилмай қолдирилди.

ХАЛҚАРО ЭЛЕКТРАЛОҚА ХИЗМАТЛАРИ ТАРИФЛАРИ

Халқаро шошиличчюмалар	шошиличчюма тури	корхона аҳоли	
		бир суз учун	
Марказий Осиё	оддий тезкор	8.80 17.60	4 8.80
Россия, Украина, Белорус, Молдова	оддий	14	7
Арманистон, Грузия, Озарбойжон	тезкор	28	14
Европа, Осиё, Америка	оддий	28.80	14.40
Африка, Австралия	тезкор	57.60	28.80

ХАЛҚАРО ТЕЛЕФОН АЛОҚАЛАРИ ХИЗМАТЛАРИ

Хизмат турлари	телефонда бир дақиқа сузлашув учун	
	корхона	аҳоли
Марказий Осиё	24	
Россия, Украина, Белорус, Молдова, Арманистон, Грузия, Озарбойжон	35	
Европа	119	
Осиё	143	
Африка, Америка	117	
Австралия	124	

Хизмат ва тарифларнинг тула руйхати барча электралоқа корхоналарида мавжуд.

ШАҲАР ВА ҚИШЛОҚ ТЕЛЕФОН ТАРМОҚЛАРИ БЎЙИЧА

Хизмат турлари	тулов миқдори (сумда)			
	вақт-бай тулов тизимига утказилмаган	вақт-бай тулов тизимига утказилган	вақт-бай тулов тизимига утказилмаган	вақт-бай тулов тизимига утказилган
Вақтбай тулов Шаҳар телефон тармоғи буйича абонентлик тулови	шарт ва тарифлар аввалгича қолган			
Асосий телефон аппарати учун, бир ойда:				
алоҳида телефонлар учун	1170	1118	90	63
жамоа тарзида фойдаланиладиган телефонлар учун	-	-	150	150
параллель аппарат учун	585	520	45	30
Блокиратор орқали уланган телефонлар учун: шахсий фойдаланишидаги				
жамоа фойдаланишидаги	936	897	72	51
	-	-	120	120

ҚИШЛОҚ ТЕЛЕФОН АЛОҚАСИ БЎЙИЧА

1995 йил 5 апрелда белгиланган тарифлар узгартирилмай қолдирилди.

Асосий телефон аппарати учун, бир ойда: шахсий фойдаланишидаги	450	360	30	24
жамоа фойдаланишидаги	-	-	50	50
параллель телефон аппарати	45	36	3	2
Блокиратор орқали уланган телефонлар учун: шахсий фойдаланишидаги				
жамоа фойдаланишидаги	360	288	24	19
	-	-	40	40

ДИҚҚАТ!

Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги 1997 йил 1 апрелдан бошлаб ижтимоий имтиёзлар жорий этади.

Чунончи, 1941-1945 йиллардаги Ватан уруши ҳамда афғон уруши ногиронлари, Чернобыль аварияси оқибатида ногирон бўлганлар ва 1-гуруҳ ногиронларига телефон хизмати учун бир ойлик тулов ҳажмининг 50 фоизи миқдорда абонентлик тулови белгиланган.

Қуйидагилар телефон хизмати учун туловлардан тула озод қилинадилар: қариялар уйлари, ақдий нороаслар ва бошлар уйлари, ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар мактаб-интернатлари.

Электралоқа хизматларидан фойдаланинг! Хизматлар ҳақини вақтида тулашни унутманг!

«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» КОНЦЕРНИ

«Хабар» тахририяти жамоаси газетамизнинг Жиззах вилояти буйича жамоатчи мухбири Йулчи Жўраева онаси

Мелиниса ЖУРАЕВАННИНГ

вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Тошкент Алоқа коллежи жамоаси коллежнинг таъмирлаш ишлари буйича муҳандиси А. С. Козлова қизи

Наталья Александровна БОНДАСЕВАННИНГ

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

ТОНГ КАБИ ОҚ БЎЛАР ИШҚНИНГ ГУЛЛАРИ

СЎНГИ МАҚТИБ

Тунларни парчалар соат миллари,
Уйқусиз нигоҳдан учиб борар нур.
Тонг каби оқ бўлар ишқнинг гуллари,
Узмоқчи бўласан, йўл қўймас гурур.

Болишга суннар сардоба ишинж,
Тим қора сочлардек узун-узун йўл.
Қаршингда мунғаяр захролуд соғинч,
Юракдан бадарга қилинган оқ гул.

Мақтублар сўнгиди бир исм турар,
Барча гуноҳларни бўйишга осиб.
Мақтублар ўтмишни етаклаб келар,
«Ишқдан йироқ» деган сўздан тутақиб.

Лабларинг пичирлар: севмаганман ҳеч,
Барчаси тушимда бўлганди содир.
Муҳаббат, сен менинг гуноҳимдан кеч,
Муҳаббат, фақат сен ҳар нега қодир.

Лабларинг пичирлар: севмаганман ҳеч,
Бу сўзни минг бора қиласан такрор.

Худди қасдлашгандек қаршингда ёниб,
Мақтублар сирингни қилади ошкор.
Тунларни парчалар соат миллари.

СОҒИНИЧ

Шаҳар кўчасига сочлар соғинч,
Лахта-лахта қонлар ютади юрак.
Бу дунё ажабдир, у дунё ўқинч,
Барибир қишлоққа қайтишим керак.

Беш йил умрим ўтди, орттирганам шу,
Торшаҳар кўксига сингади ёшим.
Китобга термулар қишлоқи оху,
«Лисон-ут тайрга» қўяман бошим.

Сувоқли томларни кўрмадим беш йил,
Отам сочларига оралабди оқ.
Асфалт йўлақларда унмади бир гул,
Тунлар тушларимга кирар Яқкабоғ.

Алвидо айтаман гоҳо ўзимга,
Барча ёзганларим йиртаман ихраб,
Хаёлиб кетар Қашқадарёга,
Жисмим югуради кенг шаҳар бўйлаб.

Шаҳар кўчасига сочлар соғинч,
Лахта-лахта қонлар ютади юрак.
Бу дунё ажабдир, у дунё ўқинч,
Барибир қишлоққа қайтишим керак.

Иброҳим БАРОТ

У Н У Ш М А

Тоққа қуёш қўнган чоғда,
Куй янграса галда-фироқда.
Тоғлар оша йўл ўтган чоғда,
Қатордаги норинг унутма.
Қатордаги норинг унутма.

Тоғ тутмоққа елкалар даркор,
Курашганга майдонлар ёрدير.
Талпин юрак, дарддошлар бордир!
Сафда дўстинг борин унутма,
Сафда дўстинг борин унутма.

Кўкдан қуёш нурларин қуйиб
Ипитилганда ёнганча ўтда.
Олисда ҳам сени дўст тутиб,
Сени севар ёринг, унутма,
Сени севар ёринг, унутма.

Тун оғанди, бир кичик уйда —
Икки юрак туташди, ёнди.
Шаррос куйди ёмғир ҳам шунда
Чангли йўлининг чанқоғи қонди.
Ҳаяжон-ла боқар кўзга кўз,
Тиклишган бешмо, беун.
Юзлар исиб бўлганди қирмиз...
Ташқарида ёмғир ўша кун...

Аббос МАЛИК

АМИР ТЕМУР ЎГИТЛАРИ

Содиқ ва вафодор дўст улким, дўстининг душманини уз душмани деб билади. Агар керак бўлса, дўсти учун жонини ҳам аямайди.

Агар душманинг бош уриб паноҳинга келса, раҳм қилиб яхшилик ва мурувват қурсат.

Чин дўст уддирки, дўстидан ҳеч қачон ранжимади, агар ранжиса ҳам, узрини қабул қилади.

Юмшоқлик қилишга тўғри келса, мулоиймлик қилдим, қаттиққўллик ишлатиш вақти етса, қатъий чоралар кўрдим. Шошмаслик керак ерда шошилмадим, шошиларди ишларни кечиктирмадим. Қайси ишни чораю тadbир билан битиришнинг иложи бўлса, унда қилич ишлатмадим.

Ҳар мамлакатда адолат эшигини очдим, зулму ситам йўлини тусдим.


Буюрдимки, ҳар мамлакатнинг гадоларига вазифа юклаб иш берсинлар, токи бу йўл билан гадолик расми йўқотилсин.

Катта-кичик ҳар бир шаҳар, ҳар бир қишлоқда масжид, мадраса ва хонақоҳлар бино қилсинлар, фақир мукинларга лангархоналар солсинлар, касаллар учун шифохона кўрдирсинлар ва уларда ишлаш учун табиблар тайинласинлар. Ҳар бир шаҳарда дор ул-аморат (амирлик уйи, ҳоким маҳкамаси) ва дор ул-адолат (адолат уйи, қозихона) курсинлар. Райяту зироатни қуриқловчи қурчилар (ҳам) тайинласинлар.

Аллу эҳсон билан ҳақон гулшани обод булади.

Давлат — лашкарлару фуқароларнинг садоқати ва фидойилиги ила қудратлидир.

Езилган нарса авлодлар хотирасида қилинган ишдан ҳам узоқроқ яшайди.



Сочилган сочингдай сочилса сиринг...

• Ажаб дунё

БОЖХОНАДАГИЛАРНИ АЛДАДИ

Машҳур француз физиги ва хи-миги Гей-Люссак маълум: мўддат Россияда яшаб, ишлаган эди. У ўз тажрибалари учун ишлатиладиган нозик шиша қолбаларни Австрияда тайёрланиши учун бую-

ртма беради. Аммо қолбаларни че-гарадан утказишга танда шу қадар балиқ божхона солиғи солинди-ки, оқибатда олим буюртмасидан воз кечишга мажбур булади. Қийин аҳволдан қутулиш чо-

• Мерос

Луқмони ҲАКИМ

ТАБОБАТ

Кўз огриб қолса, кашниқ қайнатмасидан уч марта том-чиланг, синглилик пайдо була-ди.

Агар кўз шишиб огрик бер-са, қуритилган бинафшани майдалаб, унга гулоб қўшиб, кўзга қуйилса — шиш қайта-ди, кўз равшан тортади.

Кўз огривса ва оқ пайдо бул-са, астрагал елими, дарё кў-пиги, новвот, шакардан мал-ҳам қилиб, унга аёл суғи қў-пилади. Бу малҳам кўзга кат-та ердан қилади.

Қўлоғи огирроқ киши са-римсоқ сувини қўлоғига то-мизса, тузалади.

Агар кишининг қўлоғи ог-ривса, унга ошқовоқнинг хом шарбатидан томизиш керак.

Агар тиш огривса, саримсоқ-ни қайнатиб снг ва яна мил-кингишга хом саримсоқ пал-ласини босинг, — огрик қо-лади.

расини табиатушнос олим А. Гум-балъат топди. У қолбаларнинг ҳар бирига «Немис ҳавосидан намуна, эҳтиёт булинг!» деган ёрлик эзиб қуйишни маслаҳат берди. Ажабла-нарлиси шундаки, бу маслаҳат ан-ча жузли чиқиб қолди. Божхона ходимлари хизмат китоблари ва йуриқномаларини қайта-қайта ва-рақлаб, бундай галати маҳсулот-дан қай тарзда солиқ олиш ҳақи-да биронга қурсатмани тополма-дилар. Улар бошиқлар билан мас-лаҳатлашиб, буюртмачини солиқ-дан озод қилишди.

МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги

Бош муҳаррир: Шодмон ОТАБЕК

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Абдувоҳид ЖЎРАБОЕВ Шухрат ЖАББОР Анатолий КУДИНОВ

Иззат АХМЕДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари) Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ (Масъул котиб) Мирпўлат МИРЗО Рустам ҚОСИМОВ Ёқубжон ХЎЖАМБЕРДИ Бобоҳон ШАРИФ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ: Бўриной АХМЕДОВ ОТАУЛИ Саидмахмуд АКБАРОВ Шоҳруҳ АКБАРОВ Меҳмонкул ИСЛОМКУЛОВ Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ Тоғай МУРОД

МАНЗИЛИМИЗ: 700000 Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1. ТЕЛЕФОНИМИЗ: 36-36-42, 36-35-29, 44-29-09. ИНДЕКС: 64600 ЖУМА КУНЛАРИ ЧИКАДИ

Муҳарририятга келган кўлбемалар (2 оралликда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарибмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир. Рўйхатга олиш №000011. Буюртма № Г-0257. 11191 нусхада чоп этилди. Офсет усулида босилди. Бичими А-3, ҳажми 1 босма табок. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШИРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ БОСМАХОНАСИ. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

ДУШАНБА, 14

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури. 8.00—8.30 «Хайратнома»... 8.30 «Ўзбектеlevision» намоиш этакли «Ситро»...

20.30 «Ахборот». 20.55 Оқинлар ва Эшонлар. 21.10 «Киноинфо». 22.30 Қўшқон. 22.55 «Сторт қўтаси»... 17.15 Интиллар. 6.30—8.00, 17.20—20.40 Россия жамоат телевидениеси...



8.25 Республика ташқарларининг шарҳи. 8.35 «Ўзбектеlevision» намоиш этакли «Номинат Бухоро»... 17.15 Интиллар. 17.10—18.45 Туркия телевидениеси... 18.00 Қўшқон. 18.10 Эшонлар...

20.25 Эшонлар. 20.30 «Ахборот». 20.55 Эшонлар. 21.00 Буюк келажак сари. «Иқтисод айтирбоши»... 17.30 Дастурнинг охириги. Эшонлар. 17.35 Ўзбекистон телерадиокомпаниyasi камер...

18.05—22.35 Россия жамоат телевидениеси. 22.35 Эшонлар. 22.40 «Енгина кел, муҳаббатим» Балий фильм... 17.10—18.45 Туркия телевидениеси. 18.45 «Мулкларусули»... 19.00 Эшонлар...

ЧОРШАНБА, 16

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури. 8.00—8.25 «Ахборот». 8.25 «Ўзбектеlevision» намоиш этакли «Машрабун кулба»...

18.00 Қўшқон. 18.10 Эшонлар. 18.15 «Еристон». Мультипликация. 18.35 «Сторт қўтаси»... 17.15 Интиллар. 17.10—18.45 Туркия телевидениеси... 18.45 «Мулкларусули»...

8.25 «Камушак». 9.15 «Кўнжаклар». 10.00 «Ўзбекистон телерадиокомпаниyasi камер қўшқон»... 18.00 «Даракчи». 18.10 Эшонлар. 18.15 «Бор эканда, йўқ экан»...

18.45 «Мулкларусули». 19.00 Эшонлар. 19.05 «Шайба оқловчи». 19.15 «Салта-Барбара». Телевизион балий фильм... 17.10—18.45 Туркия телевидениеси. 18.45 «Мулкларусули»...

СЕШАНБА, 15

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури. 8.00—8.25 «Ахборот». 8.25 Республика ташқарларининг шарҳи...

18.00 Қўшқон. 18.10 Эшонлар. 18.15 «Еристон». Мультипликация. 18.35 «Сторт қўтаси»... 17.15 Интиллар. 17.10—18.45 Туркия телевидениеси... 18.45 «Мулкларусули»...

18.00 Қўшқон. 18.10 Эшонлар. 18.15 «Еристон». Мультипликация. 18.35 «Сторт қўтаси»... 17.15 Интиллар. 17.10—18.45 Туркия телевидениеси... 18.45 «Мулкларусули»...

18.00 Қўшқон. 18.10 Эшонлар. 18.15 «Еристон». Мультипликация. 18.35 «Сторт қўтаси»... 17.15 Интиллар. 17.10—18.45 Туркия телевидениеси... 18.45 «Мулкларусули»...

18.00 Қўшқон. 18.10 Эшонлар. 18.15 «Еристон». Мультипликация. 18.35 «Сторт қўтаси»... 17.15 Интиллар. 17.10—18.45 Туркия телевидениеси... 18.45 «Мулкларусули»...

ЖУМА, 18

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури. 8.00—8.25 «Ахборот». 8.25 Чечен «Итимаевлар дери»...

18.00 Қўшқон. 18.10 Эшонлар. 18.15 «Еристон». Мультипликация. 18.35 «Сторт қўтаси»... 17.15 Интиллар. 17.10—18.45 Туркия телевидениеси... 18.45 «Мулкларусули»...

18.00 Қўшқон. 18.10 Эшонлар. 18.15 «Еристон». Мультипликация. 18.35 «Сторт қўтаси»... 17.15 Интиллар. 17.10—18.45 Туркия телевидениеси... 18.45 «Мулкларусули»...

18.00 Қўшқон. 18.10 Эшонлар. 18.15 «Еристон». Мультипликация. 18.35 «Сторт қўтаси»... 17.15 Интиллар. 17.10—18.45 Туркия телевидениеси... 18.45 «Мулкларусули»...

ПАЙШАНБА, 17

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури. 8.00—8.25 «Ахборот». 8.25 Республика ташқарларининг шарҳи...

18.00 Қўшқон. 18.10 Эшонлар. 18.15 «Еристон». Мультипликация. 18.35 «Сторт қўтаси»... 17.15 Интиллар. 17.10—18.45 Туркия телевидениеси... 18.45 «Мулкларусули»...

18.00 Қўшқон. 18.10 Эшонлар. 18.15 «Еристон». Мультипликация. 18.35 «Сторт қўтаси»... 17.15 Интиллар. 17.10—18.45 Туркия телевидениеси... 18.45 «Мулкларусули»...

18.00 Қўшқон. 18.10 Эшонлар. 18.15 «Еристон». Мультипликация. 18.35 «Сторт қўтаси»... 17.15 Интиллар. 17.10—18.45 Туркия телевидениеси... 18.45 «Мулкларусули»...